

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF
«SCIENTIFIC PROGRESS»

ISSN: 2181-1601

The 21st Century Skills for
Professional Activity



Proceedings of the 2nd International
Scientific-Practical Distance
Conference

2021, FEBRUARY 15



www.scientificprogress.uz

UZBEKISTAN

ТЕРГОВ ТУСМОЛЛАРИНИНГ МАЗМУНИ ВА МОҲИЯТИ

Жумаходжа Хамдамходжаевич Козиходжаев
Юридик фанлар номзоди, Фаргона вилоят юридик техникуми

Аннотация: Ушбу илмий мақола, тергов тусмолини мазмун-моҳиятини ёритишга қаратилган бўлиб, унинг барча қирралари назарий жиҳатдан ўрганилган. Айниқса, криминалист олимлар асослаб берган тергов тусмоллари тушинчаси, уларни илгари суриш асослари бўйича билдирилган фикрларга эътибор қаратилган. Муаллиф, бу борада ўз фикрларини баён қилишда фалсафа ва мантиқнинг қонуниятларидан фойдаланган. Криминалистика фанининг хусусий назарияси сифатида қараладиган тусмолни илгари суришда, терговнинг дастлабки босқичидан, то унинг мантиқий якунига қадар аниқланган процессуал ёки нопроцессуал фактик маълумотлар хизмат қилиши кўрсатиб ўтилган. Тадқиқот натижаларига кўра, муаллиф тергов тусмолининг назарий жиҳатдан асосланган тушинчасини таклиф этган.

Калит сўзлар: гипотеза, жиноят, тафаккур, тахмин, тергов, тусмол, факт, фараз, ҳодиса, ҳужжат, қонун, элемент.

Дастлабки тергов жараёнида содир этилган жиноят юзасидан объектив ҳақиқатни аниқлаш катта аҳамиятга эга. Айнан шу даврда содир этилган жиноятга оид бирламчи маълумотнинг ҳажми етарли эмаслиги манбаларнинг тарқоқлиги, уларнинг тергов учун мавҳумлиги объектив ҳақиқатни англаб олиш учун тўсқинлик қилувчи омиллар ҳисобланади. Шу боис ушбу тўсиқларни бартараф этиш мақсадида тергов тусмоллари илгари сурилади. Бу муаммога бир қатор криминалист олимлар ўз эътиборларини қаратишиб, назарий жиҳатдан унинг мазмун-моҳиятини ёритиб беришга ҳаракат қилишган. Жумладан: Р.С. Белкин, Л.Я.Драпкин, Е.П.Ищенко ва бошқалар¹. Буларнинг айримларига тўхталиб, бу борадаги фикрларимизни илмий жиҳатдан асослаб беришга киришмоқчимиз.

Тергов тусмолини илгари суришда ақлий фаолият тергов қилинаётган жиноят фактлари асосида тафаккур элементлари ҳамда унинг етишмаётган қисмлари, алоқалари ва оқибатлари ҳақидаги тасаввурларнинг чатишмасидир. Бунда тасаввур келажакка, ушбу башорат натижасига қаратилган бўлади, зеро бусиз ушбу фаолиятни тасаввур қилиб бўлмайди.

Тергов тусмоли ўтмиш ҳолатлари ҳақидаги тусмолдангина иборат эмас. Тахмин тусмолнинг марказий қисмидир. «Тусмол, — деб ёзадилар В. Е. Коновалова ва В. Д. Пчёлкин, — тергов жараёнида, бир томондан уни илгари суриш учун зарур бўлган маълумотларни тўплашга кўмаклашиб, бошқа томондан — илгари

¹ Криминалистика под редакцией Р.С.Белкина, //Учебник. Издательство «НОРМА», Москва.- 2001, С. 472-475; Криминалистика //Учебник, под редакцией Л.Я.Драпкина, Издательство «Юридическая литература», Москва. - 2004.С.64-74; Криминалистика, //Учебник, под редакцией Е.П.Ищенко, Издательский дом «ИНФРА», Москва.- 2005, С. 347-352;

сурилган тахминни ундан келтириб чиқариладиган фаразлар тизими билан мантиқан ривожлантириб, билиш функциясини амалга оширади, шу боис у икки жараённинг, яъни фикрлаш фаолиятининг мантиқий ривожланиши ҳамда тафаккур натижаларини текширишга қаратилган ҳаракатларнинг бирлигини ташкил этади»². Бу ўринда тафаккурнинг ўзи илгари сурилган тахминни тасдиқловчи мавжуд фактик маълумотларни таҳлил қилиш, умумлаштириш, тартибга солиш (системалаштириш)ни ифодалайди. Айни вақтда тергов тусмоли объектив ҳақиқатни билиш воситасидир, чунки унда мавжуд фактик маълумотларнинг дастлабки баҳоланиши акс этади. Бу маълумотлар асосида жиноят ҳодисасининг ўзини бундан кейин тергов қилиш ҳақида хулосалар чиқарилади ва тахминлар илгари сурилади, ушбу тахминларни исботлаш учун далиллар тўпланади.

Бунда объектив ҳақиқатни билиш жараёнининг қонуниятларини билиш катта аҳамиятга эга. Ушбу қонуниятлар асосида криминалистика фанида жиноятларни тергов қилишнинг самарали усул ва методлари ишлаб чиқилган. Терговчи ва оператив ходимнинг тусмоллар шаклида фикрлаши ана шу методлардан бири ҳисобланади. Шу муносабат билан Ян. Пешакнинг бу борадаги фикрига қўшилиш лозим. Унинг ёзишича, тусмол тергов қилишнинг ўзига хос методи сифатида тергов қилинаётган ҳодиса алоқаларининг шакллари ва сабаблари (ёки умуман ушбу ҳодиса) ҳақидаги шу вақтгача аниқланган фактлар, шунингдек ушбу ҳодиса билан боғлиқ бўлган ҳамда эски фактларни текшириш ва янгиларини излашда фойдаланилаётган ҳолатларни изохлашнинг реал имконияти сифатида баҳоланадиган, тўпланган материалларга асосланган барча тахминларни илгари суриш ва текширишдан иборат³.

Криминалистик тусмолнинг мазмуни ҳамда унинг тушунчасини таърифлаш ҳақидаги, шунингдек ушбу тусмолларни илгари суриш асослари ва пайти ҳақидаги концептуал масала мунозаралидир.

Бизнингча, криминалистик тусмолнинг мазмунига умуман жиноятни, аниқроғи тергов пайтига келиб аниқланмаган ҳамда иш бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш учун зарур бўлган унинг айрим фактлари, элементлари (таркибий қисмлари, алоқалари)ни, шунингдек ушбу фактлар ҳақидаги тахминлар ва уларнинг изоҳини киритувчи муаллифлар ҳақдирлар. Айни пайтда ушбу мазмунни баъзи муаллифлар криминалистик тусмол тушунчасининг таърифига киритадилар. Жумладан, А. Н. Васильев тергов тусмоли деганда терговчининг жиноят ҳодисаси ва унинг айрим ҳолатлари ҳақидаги тахминларини тушунади⁴. Г. В. Артишевскийнинг фикрича, тергов тусмоли — терговчининг текширилаётган ҳодисанинг ҳали аниқланмаган юридик жиҳатдан муҳим ҳолатлари ҳақидаги тахмини, мавжуд маълумотлар ва фактларни энг кенг

² Коновалова В. Е., Пчелкин В. Д. Следственные версии как основа планирования расследования хищения социалистического имущества // Проблемы социалистического законности. № 14. — Харьков, 1984. — С. 50.

³ Қаранг: Пешак Ян. Следственные версии. — М., 1976. — С. 21.

⁴ Қаранг: Васильев А. Н. Тактический прием — следственная версия // Следственная тактика. — М., 1976. — С. 55—56.

даражада умумлаштириш бўлиб, уларни ягона изоҳ билан боғлайди ва жиноятларни тўлиқ очишга қаратилгандир⁵. А. М. Ларин бошқача фикрда. Унинг фикрича «тергов тусмоли — жиноят иши бўйича объектив ҳақиқатни аниқлаш мақсадида илгари суриладиган, текширилаётган ҳолатлар модели вазифасини бажарадиган, фараз (фантазия) билан яратилган, мавжуд маълумотларнинг тахминий баҳосига эга бўлган, ушбу маълумотларнинг изоҳи бўлиб хизмат қиладиган ва гипотеза шаклида ифодаланган бирлаштирилувчи ғоя»⁶.

Гарчи криминалистик тусмол билан гипотеза ўртасида умумий белгилар мавжуд бўлсада, биз А. М. Лариннинг уларни айнанлаштиришига кўшила олмаймиз. Бунинг сабаблари қуйидагилардан иборат:

а) маълумки, «гипотеза» асос, тахмин деган маъноларни англатувчи юнонча *hypothesis* сўзидан келиб чиққан бўлиб, бирор-бир ходисани тушунтириш учун илгари суриладиган ҳамда ишончли илмий назария бўлиши учун текшириш ва фактлар билан тасдиқлашни талаб этадиган илмий тахминни билдиради. Тусмол эса «аниқ билмаган ҳолда ўзича қилинган гумон; тахмин, чама»⁷ маъносини билдиради. Криминалистикада муайян факт ёки ходисанинг ўзаро фарқ қилувчи бир неча баёни ёхуд изоҳидан бири. Бинобарин, у ўзгарувчан хусусиятга эга бўлиб, уни гипотезадек илмий категория билан асло тенглаштириб бўлмайди.

б) *гипотезани амалда тасдиқлаш учун ҳар доим ҳам муайян ҳаракатларни амалга ошириш талаб қилинмайди. Тергов тусмолини текшириш учун эса қонунда ва қонун ости ҳужжатларида тартибга солинган ҳаракатни бажариш зарур;*

в) гипотеза барча фанларда (айнан фанларда) кенг қўлланилади, тусмол эса, бизнингча, амалий йўналишга эга бўлиб, кўпроқ юриспруденция соҳасида қўлланилади.

Шундай қилиб гипотеза ва тергов тусмоли ўзининг тузилиши, амалда текширилиши, қўлланиш шароитларига кўра бир-биридан жиддий фарқ қилади. Бизнингча, энг яхши таърифни К. М. Лузгин берган. У тергов тусмолини жиноят ходисаси, унинг айрим элементлари, ёхуд далил бўлувчи фактларнинг келиб чиқиши ва алоқаси ҳақидаги асосли тахмин сифатида таърифлаган⁸. Юқорида келтирилган таърифларнинг кучли ва ожиз томонларини баҳоламасақда, ҳар ҳолда таъкидлашимиз лозимки, кўпчилик муаллифлар тусмолни умуман жиноят ходисаси ёки айрим қисмларига оид аниқланмаган фактлар, жиной қилмишга нисбатан алоқалари

ҳақидаги фактик маълумотларга асосланган ҳамда тергов қилинаётган ҳодиса ҳақидаги объектив ҳақиқатни аниқлаш муҳим бўлган тахмин сифатида таърифлайдилар.

⁵ Қаранг: *Арцишевский Г.В.* Выдвижение и проверка следственных версий. — М., 1978. — С. 5.

⁶ *Ларин А.М.* От следственной версии к истине. — М., 1976. — С. 29.

⁷ Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Т.2. — М., 1981. — Б. 230.

⁸ Қаранг: *Лузгин И.М.* Версия как метод познания и доказывания в расследовании // Методологические проблемы расследования. — М., 1973. — С. 133.

Тадқиқот натижасида назарий таҳлилларга асосланиб тергов тусмолининг куйидаги таърифини таклиф этамиз: *тергов тусмоли — юз берган эсиноят ҳодисаси, унинг айрим элементлари ёки қисмлари ҳақидаги фактларга асосланган ва вазиятлар билан боғлиқ бўлган ўзгарувчан тахмин.*

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Криминалитика под редакцией Р.С.Белкина, //Учебник. Издательство “НОРМА”, Москва.- 2001, С. 472-475;2.
2. Криминалистика //Учебник, под редакцией Л.Я.Драпкина, Издательство “Юридическая литература”, Москва. -2004.С.64-74;
- 3.Криминалистика, //Учебник, под редакцией Е.П.Ищенко, Издательский дом “ИНФРА”, Москва.- 2005, С. 347-352;
4. Коновалова В. Е., Пчелкин В. Д. Следственные версии как основа планирования расследования хищение социалистического имущества // Проблемы социалистического законности. № 14. — Харьков, 1984. — С. 50.
5. Пещак Ян. Следственные версии. — М., 1976. — С. 21.
6. Васильев А.Н. Тактический прием — следственная версия // Следственная тактика. — М., 1976. — С. 55—56.
7. Арцишевский Г.В. Выдвижение и проверка следственных версий. — М., 1978. — Ларин А.М. От следственной версии к истине. — М., 1976. — С. 29.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т.2. — М., 1981.— Б. 230.
9. Лузгин И.М. Версия как метод познания и доказывания в расследовании // Методологические проблемы расследования. — М., 1973. — С. 133.

Икромова Мовлуда Муродовна

Кўп қаватли уйлар ҳовлиларини тархйй ва ландшафт дизайни ечимлари (pp. 200-202)

Феруза Шарифова

Қадимги Бактрия ва Шимолий Тохаристон ўлкасининг деворий суратлари тарихига доир (pp. 203-206)

Жумаходжа Хамдамходжаевич Козиходжаев

Тергов тусмолларининг мазмуни ва мохияти (pp. 207-210)

Шукурова Каромат Кахрамоновна

Огнестойкость металлических сжатых конструкций (pp. 211-216)

Шахноза Қувватова

Қадимий мухрлардаги тарих (pp. 217-218)

Умурзакова Гузаль Ринатовна, Насретдинова Феруза Набиевна

Преобразователи тока применяемых в системах технической диагностики электрооборудований (pp. 219-222)

Ўрмонов Санжарбек Рахмонжон ўғли, Ўрмонова Шохсанам Мухсинжон кизи

Оптик толали алоқа тизимларида фотодиодларнинг оптимал иш режимини таъминлаш омиллари (pp. 223-224)

Rizaev Abdumalik Nabiyevich, Saipov Sarvar Ikromovich

Features of Interaction of a Wheel Pair with a Rail in a Curve Ways (pp. 225-226)

Rizaev Abdumalik Nabiyevich, Saipov Sarvar Ikromovich

Types of Wear of the Wheel-Rail “Tribo-Contact” (pp. 227-228)

Халлиев Сирож Азадович, Рахмонов Дилшод Алишер угли

О безопасности автотранспортного средства с газобаллонным оборудованием (pp. 229-232)

Лесов Кувандик Сагинович, Таджибаев Шерзод Амиркулович

Экспериментальные исследования по применению современных энергосберегающих и ресурсосберегающих материалов земляного полотна на железнодорожной линии Бухара – Мискен (pp. 233-235)

Xalfin Gali-Askar Rustamovich, Abdualiyev Elyorbek Begaliyevich

Diagnosis of Bonding on the Railway Track (pp. 236-238)

Мирахмедов Махамаджан Мирахмедович, Хальфин Гали-Аскар Рустамович

Формирование продольных сил при ослабленных клеммах промежуточных рельсовых скреплений (pp. 239-241)

Кадырова Дилором Шариповна, Хидоятова Нилуфар Хикматовна

Виды эффективных наполнителей в вяжущих (pp. 242-244)

Раджабова Дилмира Отамурадовна, Рахмонова Шахноз Каххоровна

Оғиз бўшлиғи шиллиқ қаватининг усма олди касаллик (лейкоплакия)ининг гистологик тахлили (pp. 245-247)